



ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA
ADABIYOTI UNIVERSITETI

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat
o'zbek tili va adabiyoti universiteti Adabiy manbashunoslik
va matnshunoslik kafedrasи

**"ADABIY MANBASHUNOSLIK VA
MATNSHUNOSLIKNING DOLZARB
MUAMMOLARI" MAVZUSIDAGI
RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
ANJUMANI**

*Toshkent shahri,
29-oktabr, 2020-yil*

Масъул мухаррир:
Шухрат Сирожиддинов,
филология фанлари доктори, профессор
Рашид Зоҳидов,
филология фанлари доктори

Нашрга тайёрловчи:
Зилола Шукурова,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мухаррир:
Азамат Атаев,
ТошДЎТАУ I-курс таянч докторанти

Мусаххих:
Собир Мансуров,
ТошДЎТАУ катта ўқитувачиси

Матн төрувчи:
Дилором Файзиева

МУҚИМИЙНИНГ УЧ ҲАЖВИЯСИ МАТНИ ТАРИХИ

ПАРДАЕВ ҚҰЛДОШ УЗОҚОВИЧ,
филология фанлари доктори,
Алишер Навоий номидаги
ТошДҮТ Академиясының доценти

Аннотация: Мақолада Муқимиининг уч ҳажвий асари янгича мезонлар асосида бағланған. Бирламчи манбалар асосида мазкур ҳажвиялар ҳақидағы мавжуд талкинлар ва таҳрирларга аниклик киритилған.

Аннотация: В статье оценены три сатирические произведения Муқимия по новым критериям. На основе первоисточников, ведены сведения об интерпретации и редакции данных комиксов.

Resume: The paper estimated 3 satirical works by Mukimi on novel approach. On the basis of primary sources current interpretations and editions of those comics' are determined more precisely.

Калит сұздар: Сатира, нашар, шоир, мисра, байт, адабий мұхит, услуб, образ, талкин, таҳрир, күләзма, газал, шель, Туркистан.

Ключевые слова: Сатира, редактирование, интерпретация, рукопись, газель, редакция, поэт, строка, строфа, Туркистан, литературная среда, стихотворение, стиль, образ.

Key words: satirical, poet, interpretation, line, gazelle, stophe, editing, literary environment, edition, manuscript, poems, stophe, style, Turkistan.

Миллий адабиёттегі тарихида XIX аср охири-XX аср бошлары Күкон адабий мұхитидан стишиб чиқкан ижодкорлар адабий мероси алохидан ўрин тутады. Бу адабий мұхитидан забардаст намояндаси Мухаммад Аминхұжа Муқимий асарлари хар доим мутахасислар диктат марказида бўлган. Маълумки, шоир ижод намуналари юзасидан кўплаб тадқиқотлар яратилған. Таассуфки, уларда Муқимий асарлари шўро даври мағкураси талабига кўра бир томонлама талкин қилинганди. Натижада шоир назмий мероси ўзининг асесий моҳиятидан узоклаштирилди. Яъни асарлари таҳрирга учради, қискартирилди, манбаларда қолиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, шоир адабий меросиниң янгича мезонлар асосида холис на ҳаққоний ўрганиш заруратини такозо этади.

Шўролар даврида Муқимиининг турли жанрлардаги “Дариго мулкимиз”, “Ҳажви Бектурбой”, “Дар мардуми Оқжар батариқи мухаммас”, “Дар мазаммати замона”, “Воқеаи юр Ашурбой ҳожи”, “Вексиль”, “Дар мазаммати қурбақа”, “Ҳажви халифаи Мингтепа”, “Тарихи зилзилаи Андижон аз Мавлоно Муқимий Хўқандий”, “Саёҳатнома”, “Мактублар” сарлавҳали ҳажвий ва лирик асарлари, диний-тасаввуфий ва ижтимоий-сийесий мавзулардаги шельлари таҳрир қилиниб, давр мағкурасига мослаб талкин қилинди. Жумладан, шоирнинг “Баччағар”, “Қурбакалар” радифли иккى сатираси муқимишунос олимлар тадқиқотларида Дукчи эшонга багишланған илк шель сифатида талкин этиб келинди. Бу мавзуга дастлаб академик шоир Гафур Гулом тадқиқотида мана бу тарзда муносабат билдирилған: “Бу шель Дукчи эшон тўғрисида ёзилған”.¹ Шундан сўнг адабиётшунос Ҳомил Ёқубов ҳам бу фикрга кўшилади: “Муқимий “Қурбакалар” ва “Ҳажви

халифаи Мингтепа" шеърларида Дукчи эшон мунофикилигини фош этади...¹ Муқимиштишинос Абдулла Олимжонов утибу қарашни тасдиклаб, куйидагиларни кўшимча қиласди: "Баччагар" ва "Курбакалар" сатираларида Дукчи эшоннинг 1898 йилда диний-реакциончиқинига кент халқ оммасининг нафрат билан қарагани кисман бўлса-да акс этди. Эшоннинг риёкор ва маккорлиги, нуч маънавий хаёти очиб берилди...² Ҳоди Зарифов эса масалага кисман ойдинлик киритинига ҳаракат килига: "Муқимиштининг "Баччагар" радифли машхур сатирасида ўткир сўзлар билан саваланган тип Кўконда Муқимиш яшаган мадрасининг мутавалиси бўлган киши... Бу образ билан шоир айни замонда муттаҳам Дукчи эшоннинг киёфасини очиб ташлади".³

Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдурашид Абдуғафуровлар фикрига кўра, "Баччагар" радифли шеър Дукчи эшонга багишланган бўлса-да, унда манфаатнараст эшонлар умумлашган образи берилган.⁴

Профессор Гулом Каримов тадқиқотларида эса мазкур ҳажвий асарлар Дукчи эшонга багишланган дастлабки шеър сифатида талқин килинади: "Демократ шоирлар Дукчи эшон кирдикорларини фош қилишга қаратилиган сатирик асарлар ёза бошлидилар. Муқимиш биринчи бўлиб ўзининг "Баччагар" радифли "Ҳажви халифаи Мингтепа" сатираси ишади... Муқимиштининг "Дар мазаммати курбака" сатираси ҳам Дукчи эшонга қаратилиган. Фазал шаклидаги бу сатира 1998 йилда Дукчи эшон вокеаси рўй берган жойда – Ойимкишлокда ёзилган..."⁵ – деб ёзди олим.

Савол туғилади: бу икки шеър ҳакиқатдан ҳам Дукчи эшонга багишланганими? Масалага ҳолис ёндашибса, бошқача холоса чиқариш имкони туғилади. Кўринадики, Гафур Гулом, Ҳомил Ёкубов, Абдулла Олимжонов, Гулом Каримов тадқиқотларидағи фикрлар бир хил. Кейинги изланишлар бу талқиннинг асоссиз эканини кўрсатмокда. Жумладан, Гулом Каримов Дукчи эшон кўзғолони бўлиб ўтган жойни Ойимкишлок леб таъкидлайди. Аслида бу воқеа Мингтепенада бўлиб ўтгани тарихдан маълум. Бу хусусда профессор Ҳамидулла Болтабоев кимматли фикрлар бишдиради: "...Андижон воқеаларидан озми-кўпми хабардор кишига маълумки, кўзғолон Мингтепада (хозирги Марҳамат) бошлиниб, Андижон гарнизони солдатларининг ўлдирилиши билан тугайди ва 40 км. дан мўлрок нарида жойлашган Ойимкишлокка алоқаси йўқ. Профессор Гулом Каримов "давр талаби билан" Ойимкишлокни ҳам "Мингтепа"га айлантирган кўринади"⁶, – дега олим мазкур шеърларининг Дукчи эшонга алоқаси йўқ эканини таъкидлайди.

Адабиётшунослар Бегали Қосимов ва Афтондил Эркинов тадқиқотларида Дукчи эшон туркумидаги шеърлар таҳлили ва уларнинг муаллифлари ҳақида кимматли маълумотлар келтирилган. Улар Муқимиштининг икки ҳажвий шеъри ўз илмий ечимини топмагани, уни ҳал этини адабиётшуносларниң долзарб вазифаларида экани хусусида ёзди⁷.

Ахмаджон Мадаминов ва Абдуллатиф Турдалиев маколасида бу масалага бир қадар ойдинлик киритилган: "Музейимиз ҳазинасида машхур файласуф шоир Сўфи Оллоёр

¹ Ёкубов Ҳ. Ўзбек демократ шоир Муқимиш. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1953. – Б.17.

² Олимжонов А. Муҳаммад Амин Муқимиш. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1953. – Б.30.

³ Зарифов Ҳ. Муқимиш ҳаёти ва ижодига онд материаллар. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1955. – Б.17.

⁴ Ҳамид Олимжон. Муҳаммад Аминхўжа Муқимиш. // Ўзбекистон сатати ва маданияти, 1938 №7; Абдуллаев В., Абдуғафуров А., ва бошқалар. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Фан, 1980, 3 том. – Б.134; Ойбек. Муқимиш асарларида социал типлар. // Звезда Восток, 1947 №7. – Б. 72-78.

⁵ Каримов Г. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1987. -Б. 110-111.

⁶ Болтабоев Ҳ. Ёлланган адабиёт сирлари. /Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1998 №49

⁷ Қосимов Б. Излай-излай топганим. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б.59; Эркинов А. // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2004, 3-сон.

нинг “Маслак ул-муттақин” асарининг (сақланиш рақами 6738) хижрий 1304 (милодий 1887) йили Хўқанд шаҳрида Муҳаммад Қосим мулло Содик ўғли томонидаи кўчирилган нусхаси сақланмоқда. Кўлёзма 446 варак бўлиб, унинг 1^а-2^а-варакларида (китобга илова килинган кўпимчада варакларда) “Аз Муҳаммад Аминхожа. Ҳажви Муҳаммад Мусобой (“Муҳаммад Мусобой ҳажви”) сарлавхаси остида шоирниң “Баччагар” ҳажви берилган”.¹ Бу икки олимниң манбалар таҳлили асосидаги фикрлари хам мазкур ҳажвия Дукчи эпонга шлокадор эмаслигини тасдиқлайди.

Муаммони янада ойдиншаптириш учун “Баччагар” ва “Курбакалар” радифли шсьрлар манбаларига мурожаат қилини зарурати сезилади. Гулом Каримов хизмати билан чон этилган Муқимий асарлар тўпламида бу икки шеър “Ҳажви халифаи Мингтепа” ва “Дар мазаммати курбака” деб сарлавхаланган. Олим Муқимий асарлар тўпламиниң изоҳлар кисмида “Ҳажви халифаи Мингтепа” сатираси манбаси ҳакида бундай ёзади: “Шу кунгагча “Баччагар” номи билан юритилиб келган бу сатирани биз “Ҳажви халифаи Мингтепа” деб атанини мувоғик кўрдик. Бу ном Муқимиининг яқин дўстларидан бири намангандлик шоир Нодимниң мусаввада дафтаридан олинди”.²

Ҳақиқатан, бу ҳажвий шеър матни Нодим Наманганийнинг 4179 раками кўлёзма ба-ёзида учрайди. Савол тутилади. Нега, Нодим Наманганий бу шеърга “Ҳажви халифаи Мингтепа” деб сарлавҳа қўйган? Бу масалани икки асосга кўра изоҳлаш мумкин. Биринчидан, профессор Ҳамидулла Болтабоев тъкидлаганидек: “Андижон кўзғолони хусусида Русия ҳарбий генштабининг архив материалыдан маълум бўлишича, 1898 йилниң июл-август ойларида рус маъмуриятининг маҳсус тошириги билан водийниң энг эътиборли шоирлари Дукчи эпонни фош килиб асарлар ёзиши керак эди. (“Красный архив” №3 (88). 1938.) Афтидан, ана шу тоширик Завқий, Нодим Наманганий ва Рожий Маргининий зиммасига тушган”.³

Иккинчидан, Муқимий ва Нодим Наманганий ижодий ҳамкорлиги, дўстона муносабатлари адабиёт ахлига маълум. Нодим Наманганий Муқимиининг мазкур ҳажвий шеърини Дукчи эшон туркумидаги шеърлар каторига кўшиб, уни мустамлака сиёсати топнириғига риоя қилиган этиб кўрсатган, назаримизда.

Тарих ҳақиқатига бу тарзда тескари маъно юклаш тўғри эмаслиги хусусида профессор Ш. Юсупов қимматли фикрлар билдирган эди: “...Тадқиқотчининг қўлига тушган, сақланиш жойи аниқ бўлган бундай факт ва хужжатларниң ўзи тарих бўла олмайди. Улар тарих ҳақиқатини аниқлашида тадқиқотчи қўлида хом ашёгинадир, холос. Ҳалқимиз ўтмишининг мустамлака истибоди бўғиб ташлаган ўта мураккаб бир даврида юзага келган бундай факт ва хужжатлар замирида нималар турганини, улар қандай ҳаётий зарурат туфайли пайдо бўлиб қолганини ...тадқиқотчи Аллоҳ ато этган ақл-фаросатни ишга солиб идрок этмоги даркор. Акс холда аслида ҳалқимиз ифтихори бўлган, бироқ машъум мустамлака истибоди шароитида фаолият кўрсатган ва бошида қасос киличи ялангоч турганида ҳам эл-юрт типчлиги ва истикబолини ўйлаган, ночор қолган чоғларида мустабидлар билан муроса-мадора йўлини тутишга мажбур бўлган, шундан кейин имкон туғилиши билапоқ ўзининг асл қиёфасини кўрсата олган табаррук зотларни тарих олдида, келажак олдида ёмонотлик килиб кўрсатиб, гуноҳи азимга қолини ҳеч гап эмас”.⁴

¹ Мадаминов А., Турсалиев А. “Баччагар” кимга бағишланган. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати – Тошкент, 1992, 3-сон.

² Каримов Ф. Муқимий. (Асарлар тўплами). Икки томлик. II том. –Т.: Бадиий адабиёт, 1960. – Б.184.

³ Болғабоев Ҳ. Ёлланган адабиёт сирлари. / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1998, 49-сон.

⁴ Юсупов Ш. Тарих ва адаб бўстони. –Т.: Мазнавият, 2003. – Б.45.

Мазкур ҳажвияларига ҳам ана шу мезон асосида ёндашиш зарур. Кейинги изланишлар шунни тасдиқлайдыки, “Баччагар” радифли ҳажвий шеър Дукчи эшонга эмас, Муқимий яшаган “Ҳазрат” мадрасасининг мутаваллиси Мухаммад Мусобой шашнинг бағишланган. Буни мазкур шеърнинг б-байти ҳам тасдиқлаб турибди:

*Ҳалқада мундин бўлак болоншинин ўйқ, охир,
Қимоғай деб кўрқаман Ҳазратга даъво баччагар.*

Шоирнинг “Курбакалар” радифли ҳажвий асарига келсак, шуролар мағкурасининг кучли тазикини сабаб мазкур шеър таҳrirрга учрагани кузатилади. Ҳажвиянинг 5-, 7- байтлари шоир асарлари тўплами нашринг барчасида қуйидаги вариандада учрайди:

*Хоҳ-ноҳоҳ Мингтепа ўйлаб қулурсиз зикри жаҳр,
Ховз давринда ҳама масту пиён қурбақалар.
Илгари эркан Ойимқишилоқ, Муқимий, эмди ҳайф,
Баччагар оқ дўптилик қорин ўбгон қурбақалар.*

Муқимийнинг 1325-рақамли ўз қўлёзма баёзида (121^ю-саҳифа) аслият матни:

*Ё ўруслек жониворларга бу кун майраммукин,
Ховз даврида ҳама масту пиён қурбақалар.
Илгари эркан Ойимқишилоқ, Муқимий, эмди ҳайф,
Баччалар ўрнига хавзида жувон қурбақалар.*

Кўринадик, мутахассислар эътирозига сабаб бўлган “Хоҳ-ноҳоҳ Мингтепа ўйлаб қулурсиз зикри жаҳр”, “Баччагар оқ дўптилик қорин ўбгон қурбақалар” – мисралари ўша давр мағкураси тақозосига кўра онгли равипда таҳrir килинган. Энг ёмони, шеър тарих ҳақикатига зид ҳолда Дукчи эшонга боғлаб талқин этилган.

Кўкон адабий мухити ижодкорларининг “Бектур” туркумидаги ҳажвий асарлари ҳам ўша давр манзаралари тасвирига қаратилиган. Муқимий ҳам Завқий, Муҳий, Зорий, Мухаййир ва Қорий сингари бу мавзуда “Ҳажви Бектурбой”, “Ҳажви Бектур”, “Воқе-аи Бектур” ҳажвий шеърларини ёзгани мутахассисларга маълум. Муқимийнинг “Ҳажви Бектурбой” шеъри матнини илк маротаба Н.Остроумов Санкт-Петербургда нашр этилиб турган “Записки Восточного отделения императорского Русского Археологического общества” тўпламининг 1894 йилдаги IX томидаги “Песня – сатира Виктор бая” сарлавҳаси остида икки тилда – ўзбекча ва русча таржимада чоп этилди.

Хўш, бу сатиранинг ёзилишига сабаб бўлган фирибгар шахс ким? Бу ҳақда “Записки Восточного отделения императорского Русского Археологического общества” тўпламининг 1894 йилдаги IX томидаги сўз бошида қуйидагича маълумот учрайди: “1891 йилнинг июль ойида мен Кўконда эдим (Н.Остроумов). Ўша ерлик қози билан танишиб колиб, почта станциясидан унинг уйига бордим. Кечкурун меҳмондўст қози ўз уйига учта ҳофизни таклиф этди. Бу – меҳмонга бўлган алоҳида хурмат белгиси эди. Ҳофизлар бир қанча ашудалар айтишди. Булар орасида Худоёрхон ҳақидаги ҳамда “Бектурбой” ашуласи ҳам бор эди. Эртаси қуни мен “Бектурбой” ашудасининг текстини топининг мусассар бўлдим. Қуйида шу ашуланинг таржимасини ва текстини келтирамиз. Бу ашула яна шу жиҳатдан аҳамиятлики, у ўзбекларнинг ҳозирги замондаги ишларга ва кишиларга бўлган

кизикишидан далолат беради. “Бектурбой” ашуласининг қаҳрамони (Бектур Димитриевич Ахматов) ога-ини Каменскийларнинг Кўкондаги конторасида бони бошқарувчиси эди. Бектурнинг муомалада юз минг сўмлаб пули бўлиб, у Фаргона савдогарлари, Бухоро яхудийлари ва афғонлар билан савдо-сотик қилар эди. Бектур улардан сотиш ва ташиб бериш учун пахта кабул килиб олар, бунинг эвазига эса Ёвропадан турли хил моллар келтириб берар эди. Кўконда у Фаргона бўйсундиришмасдан олдин ҳам таникли эди: маҳаллий бойлар унга ишопишар, баъзан жуда кўп пулларни унинг ихтиёрида қолдиришпарди... Ахматов конторага тегишли пулларни йинг бошлайди. Уларнинг бир кисмини ўзи олиб қолади, мол-мулкни эса бошка кипи номига ўтказади. Шундай қилиб, 1889 йилнинг октябрита келиб конторадаги пуллар 207 минг сўмга камайиб кетади. Ахматовга карши формал даъво қўзгатилди. Шундан кейин маҳаллий бойлар ундан ўз пулларини талаб кила бошладилар...”¹.

Бу фирибгар Бектурбойнинг барча тавломачиларни давр шоирлари қаламида кенг ёритилди. Бу хусусда адабиётшуносликда муайян фикрлар билдирилган². Жумладан, адабиётшунос Абдула Олимжонов “Ҳажви Бектурбой” шеърининг ёзиши тарихини И. Остроумов маълумоти асосида тъъкидлаб, бундай ёзди: ““Воқеаи Бектур” асарида Бектур билан муомалада бўлган, хийлагарликда, очкўзликда ва ҳасиесликда ундан ҳам ошиб тушувчи Ҳодижӯжа бой образини янада тўларок беришга, бу салбий тип характеристикини яққол гавдалантиришга харакат қилган”³.

Маълум бўладики, олим масалага бирёклама ёндашади. Натижада асарнинг асосий гояси колиб, маҳаллий бойлар, хусусан, Ҳодижӯжа эшон тилга олинади. Абдурашид Абдугафуров мазкур ҳажвий асарлар юзасидан тўғри хулосага кела-да, “Ҳажви Бектурбой” мухаммасининг икки банди ҳакида бир оғиз ҳам фикр билдирилган. Чунки олим “Шарқ юлдузи” журнали 1956 йил, 8-сонидаги “Муқимиининг янги топилган шеърлари” сарлавҳали маколасида мазкур шеърининг 5 бандини келтириб, 1 бандини туширилиб қолдирган эди. Олимнинг “...Мухаммасда асосий найза “макру ҳийла ишлаттан” товламачи Бектурга қарши қаратилган бўлса-да, шоир бойликдан ажраб, “синган” савдогар судхўларга ачининг ҳиссини асло уйғотмайди”,⁴ – деган фикрларида бирёклама талқин кузатилади.

Ғулом Каримов “Ҳажви Бектурбой” ҳажвийсининг ёзиши тарихи, Бектурбой фирибгарликлари ҳакида сўз юритиб, Муҳийининг мазкур туркумдаги шеъри ҳакида баҳстлаб фикрлар билдиради: “Муҳийи сатиравлари учун феодал-клерикал адабиётнинг гоявий йўналини, диний мазмун, панисломистик рух хосдир... Темани ишланашда, талқин килишда Муқимий Муҳийига принципиал зид туради.”⁵ Изланишларимиз бундай бирёклама талқинлар асоссиз эканини кўрсатмокда. Муқимий асарлари нашр вариантиларида “Ҳажви Бектурбой” асари 4 банд ҳолда берилган. 2 банди тушириб қолдирилган. Нати-

¹ Каранг: А. Абдугафуров. Суддан ҳам олдинроқ чиқарилган хукм. Эрк ва эзгулик куйчилари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б.152.

² Олимжонов А. Муҳаммад Амин Муқимий. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1953. – Б.22; Каримов Ф. Муқимий. (Асарлар тўплами). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. – Б. 360-361-362: Ўзбек адабиёти тарихи. Учпиччи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1987. – Б. 107; Абдугафуров А. Муқимий сатираси. – Т.: Фан, 1976. – Б22; Абдуллаев В., Абдугафуров А., ва бошқалар. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Фан, 1980, V том. – Б.97; Қосимов Б. Миллий уйгонини жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: Маннавият, 2002. – Б.8; Тожибоев Р. Бир адабий чалкашлик хусусида. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007, 6-сон. – Б.45; Судлан ҳам олдинроқ чиқарилган хукм. / Ваган, 1996, 12-сон; Абдулаева Д. Усмонхӯжа Зорий ҳаёти ва ижоди. Фил.ф.и.дисс.-я, 2003.

³ Олимжонов А. Муҳаммад Амин Муқимий. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1953. – Б.39.

⁴ Абдугафуров А. Муқимий сатираси. – Т.: Фан, 1976. – Б35.

⁵ Каримов Ф. Муқимий ҳаёти ва ижоди, (Монография). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1970. – Б.20.

жада асарнинг асосий тояси сояда қолиб кетган. Аслида, мазкур ҳажвия “Записки Восточного отделения императорского Русского Археологического общества” тўпламининг 1894 йилдаги IX томида 6 банд ҳолда учрайди. Муқимий асарлари нашрларидан тушириб қолдирилган бандлар куйидагича:

*Шиква қылсам жоиздир, замоналар на бўлди?
Ботил мазҳаб муравваж, мусулмонлар хор бўлди.
Бектур тутгун шигига юрак-багрим қон бўлди,
Киыкісанга пул берди, кўт яхши деб кўл қўйди,
Бир умрани иши армон экан, Бектурбой.*

*Бўлмас дуо ижобат бетаквоу бетоат,
Кўрмас жасинат юзини ҳар кимда йўқ диёнат,
Мўмин қуллар қылмайдур амонатга хиёнат,
Арzon эмас беиллат, қиммат эмас беҳикмат,
Ноинсофу бетавфиқ, олгон экан, Бектурбой.*

Шоир “Шиква қылсам жоиздир, замоналар на бўлди?” – дея ўша давр ижтимоий мухити, ундаги тартиб-қонидалар тўғрисида, жамиятдаги чор ҳукумати ўрнатган адолатсизликлар хақида бонг уради. Мусулмонларнинг кофиirlар зулмидан хор бўлиши-ю, Бектурнинг фирибгарликлари шоирнинг ҳакли ўтироziга сабаб бўлади.

Адабиётшунос Рустам Тожибоев хам “Ҳажви Бектурбой” мухаммасининг тушириб қолдирилган икки бандини келтириб, бундай ёзди: “Мазкур бандлар Муқимий асарларини нашрга тайёрловчилар томонидан шоирнинг чон этилган тўшламларига нега кири-тилмагани бизга қоропгу. Тахминимизча, улардаги чор Россияси истилосига муносабат (“замоналар на бўлди?”, “Ботил мазҳаб муравваж, мусулмонлар хор бўлди”) фикрлар го-явий-сиёсий жиҳатдан “эҳтиёткор” бўлган иониirlарни чўчиттан бўлиши мумкин”¹.

Хулас. Муқимийнинг “Баччагар” радифли сатираси ўз моҳиятидан узоклангирилиб талқин этилганлиги, “Курбакалар”, “Ҳажви Бектур” ҳажвий асарлари матни таҳрир килиниб, жорий нашрлардан тушириб қолдирилган бандлари янтича муроҳаза торитиш, мухим умумлашма хуносалар чиқариш имконини беради.

¹ Тожибоев Р. Бир адабий чалкашлик хусусида. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007, 6-сон. – 6.45.